

Тиловат саждаси ҳақида | Фикҳ дарслари (239-дарс)



19:00 / 21.07.2023 4061

نُنِيْبُ ۞ دَجَسُ بِيْجَتِ
طُوْرُشِبِ نُنِيْتَرِيْبُ كَتَات
دِيْغُ فَرَالِبِ ۞ اَلْصَلَا
اَهِيْفَو ۞ اَلَسَو ۞ دَشَاتَو
نَم ۞ يَلَع ۞ دُوْجُ سَلَا ۞ خُبُس
۞ رَشَع ۞ غَبْرَا ۞ نَم ۞ اَيَا ۞ يَلَات
۞ فَاْرَعَا ۞ اَلَا رِخَا ۞ يَفِيْتَلَا

يَنْبَوِ، لِحْنَلَاوِ، دُعْرَلَاوِ
يَلْوَأُو، مَيْرَمَوِ، لِيئَارْسَا
يَفَوِ، نَأْقُرْفَلَا يَفَوِجْخَلَا
يَفَوِ، هَدْجَسَلَا □ يَفَوِ، لُمْنَلَا
يَفَوِ، هَدْجَسَلَا تِيَفَوِ، □
يَفَوِ، تَقَشْنَا يَفَوِ، مُجْنَلَا
أُرْقَا

مَامِلَا يَلَاتِ إِذِإُو، آَعَمَسْ وَأُ
هَبِ يَدْتُقَا مُثِ آَعَمَسْ نَمَفِ
دَعَبِ دَجَسِ، يَرْخُأِ هَعَكَّرِيَفِ
نَمَمِ عَمَسِ لَصُمَكِ، هَالَّصَلَا
هَبِ يَدْتُقَا نَمَوِ، هَعَمَسِيَلِ
دُجَسِ دَعَبِ هَعَكَّرَلَا كَلْتِيَفِ

هَلْبَقَو دُجْسَي الِ مَامِإِلَا
عَمْسَي مَلْ نِإوْ هَعَم دُجْسَي
دُجْسَي الِ مَوْمَامِلَا الِ تْ نِإوْ
يَجْرَاخْ عَمِاسْ الِإِ

يَضُقْت الِ هِيْت الِ صِلَاوْ
فُقَوْت الِ بْ عُوْكُرْلَاوْ ، أَجْرَاخْ
ي فِرَّكْ نِإِفْ ، أَهَنْعْ بُونِي
ي فِكِّي ، هَالِصْ وَأِدِحْ أَوِ سِلْجَم
عَمِاسِلَا ي فِرْبَتْ عُيْوْ ، هَدَجَسْ
هَسِلْجَمْ

لِاقْت نِإِلَاوْ بَوْتْلَاْ ءَاْدَسِإِوْ
رَخِآ نِصْغْ يَلِإِ نِصْغْ نِمْ
لِي دَبْتْ

عَدُّ سَلَاةٍ يَكْرَهُ رَكُوعِي وَ مَضَبِ دُنُو، هُسْكَعَ اَلْ اَهْدَحَ وَ اَهُؤَافِخِ اِنْسُحُتْ سَاو، اِهْرِغِ عَمَّاسَلَا نَع

Аърофнинг охири, Раъд, Наҳл, «Бану Исроил», Марям, Ҳажнинг биринчиси, Фурқон, Намл, «Алиф лаам мийм Сажда», Сод, «Ҳаа мийм Сажда», Нажм, «Иншаққот» ва Иқро(суралари)даги ўн тўрт оятдан бирини тиловат қилган кишига ёки эшитган кишига намознинг шартлари билан қўл кўтариш, ташаҳҳуд ва саломсиз икки такбир ўртасида бир сажда қилиш вожиб бўлади. Унда саждада айтиладиган тасбеҳ бор.

Имом сажда оятини тиловат қилганда уни эшитган кимса сўнгра унга бошқа рақъатда иқтидо қилса, худди ўзи билан бўлмаган одамдан сажда оятини эшитган намозхон каби, намоздан сўнг сажда қилади.

Ким ўша рақъатда имомнинг саждасидан кейин иқтидо қилса, тиловат саждасини қилмайди. Аммо олдин иқтидо қилса, агар эшитмаган бўлса ҳам, у билан бирга тиловат саждасини қилади.

Агар муқтадий сажда оятини тиловат қилса, уни ташқаридан эшитган кимсагина сажда қилади.

Намоздаги тиловат саждаси ташқарида қазо қилинмайди. Тўхталмасдан қилинган рукуъ тиловат саждасига ўринбосар бўлади.

Агар бир мажлисда ёки намозда сажда оятини бир неча бор такрор қилса, бир сажда кифоя қилади.

Тингловчида ўзининг мажлиси эътиборга олинади. Кийим тўқишдаги юриш ва бир шохдан бошқа шохга ўтиш жойни ўзгартиришдир. Сажда оятининг ўзини тарк қилиш макруҳдир. Акси макруҳ эмас.

Унга бошқасини қўшиш мандубдир. Уни тингловчидан махфий қилиш яхшидир.

Ушбу фаслда Қуръони Каримдаги сажда оятлари тиловат қилинганда сажда қилиш, унинг фазли, ҳукмлари ва шунга оид бошқа масалалар ўрганилади.

Одам боласининг бахт-саодати Аллоҳ таолонинг амрига бўйсуниб, сажда қилишидадир. Ана ўша саждалар ичида тиловат саждаси ҳам бор. Чунки ҳар бир тиловат саждасида Аллоҳ таолога сажда қилиш ҳақида амр, шу маънодаги гап бор.

Энди «Мухтасари Виқоя»даги матнни шарҳлашга ўтайлик.

Ўн тўрт оятдан бирини тиловат қилган кишига ёки эшитган кишига намознинг шартлари билан қўл кўтариш, ташаҳҳуд ва саломсиз икки такбир ўртасида бир сажда қилиш вожиб бўлади

Тиловат саждаси бир саждадан иборат бўлиб, унга бош қўйилаётганда бир такбир ва ундан бош кўтарилаётганда яна бир такбир айтилади. Тиловат саждасини қилиш вожибдир. Унинг вожиблиги қуйидаги далиллардан олинган:

Аллоҳ таоло Сажда сурасида:

سُجَّدًا خَرُّوا بِهَا ذُكِّرُوا إِذَا الَّذِينَ بَيَّأْتَنَا يُؤْمِنُ إِنَّمَا

يَسْتَكْبِرُونَ لَا وَهُمْ رَبَّهُمْ بِحَمْدٍ وَسَبْحًا

«Албатта, оятларимизга улар-ла эслатилганда, саждага йиқиладиган, Роббларига ҳамд ила тасбеҳ айтадиган ва мутакаббирлик қилмайдиганларгина иймон келтирурлар», деган (15-оят).

Аллоҳ таоло Иншиқоқ сурасида сажда қилмайдиганларни мазаммат қилиб:

يَسْجُدُونَ لِلَّهِ لَمَّا أُنزِلَتْ عَلَيْهِمْ الْقُرْآنُ وَإِذَا

«Ва қачон уларга Қуръон ўқилса, сажда қилмаслар», деган (21-оят).

هُلِّلَايِضَرَّرَمُعِنْبَانَع
يَبْنَلَانَاكَلَأَقَامُهُنَع
مَلَسَوِهَيْلَعُهُلِلَايِلَص
أَهِيْفِيْتَلَاةَرُوسَلَاأُرْقِي
دُجَسَنَوُدُجَسَيَفُهُدُجَسَلَا
أَنَاكَمَأَنُدَحَأُرْجِيَأَمِيْتَحُهُعَم
هُأَوْرِيَهْتَهُبَجِعَضُومَل
هُةَثَالْتَلَا

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам сажда ояти бор сурани қироат қилиб, сажда қилар эдилар. Биз ҳам у зот билан сажда қилар эдик. Ҳаттоки биримиз пешонасига жой топа олмай қолар эди».

Учовлари ривоят қилишган.

هُلِّلَا يَضَرَّ رَمْعٌ نُبَا نَع
يَبُّنَا نَاكَ : لَأَقِ أُمَّه نَع
مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلَا يَلَص
رَمَّ إِذِافَ ، نَأْرُقُلَا أَنْيَلَعُ أَرْقِي
دَجَسَ وَرَبَّكَ دَجَسَلَاب
دُوَادُ وَبَأُ هَأُورُ . هَعَمُ أَنْدَجَسَ وَ
مُكَّأَخْلَاوُ

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга Қуръон қироат қилиб берар, қачон сажда оятидан ўтсалар, такбир айтиб, сажда қилар эдилар. Биз ҳам у зот билан сажда қилар эдик».

Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилишган.

Тиловат саждасини қилиш учун шартлар намоз ўқиш учун қўйилган шартларнинг айна ўзидир: мусулмонлик, оқиллик, балоғатга етганлик ва ҳайзу нифосдан пок бўлиш. Тиловат саждаси тўғри бўлиши учун таҳоратли бўлиш, бадан, кийим ва маконнинг поклиги, қиблага юзланиш, сатри аврат ва ният шарт.

Унда қўл кўтарилмайди, ташаҳҳуд ва салом ҳам йўқ, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тиловат саждасини қилганларида бу нарсаларни қилмаганлар.

Унда саждада айтиладиган тасбеҳ бор.

Яъни, тиловат саждасида турганда намоз саждасида айтиладиган тасбеҳ айтилади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.